

## **ҒАЛАТИ ҒАВГОНИ БОШЛАДИ БАҲОР ҮЙҒОНИШ МАВЖЛАРИ**

**Бошига рангго- ранг рўмолин илиб,  
Баҳор кириб келди югуриб елиб.  
Бу девона баҳор билмайми билиб,  
Ғалати ғавғони бошлаб юборди.**

**Майсалар ундилар юраги тошиб,  
Бойчечак энтикиб кўтарди бошин.  
Қадимий чинорлар унутди ёшин,  
Ғалати савдони бошлади баҳор.**

**Оппоқ дараҳтларнинг келди учгуси,  
Мирза теракларнинг ойни қучгиси.  
Ошиқлар висол деб жондан кечгуси,  
Қандайдир савдони бошлади баҳор.**

**Боғда булбуллар тинимсиз сайрап  
Томда мусичалар бир-бирин қувлар.  
Лочинлар парвозин бирдам тўғтатар,  
Ажойиб томоша кўрсатар баҳор**

**Бизовча кўзини ҳар томон сузар,  
Боғлоқдаги буқа ароқонин узар.  
Кўз олдинга хуроз товуқни қувар.  
Қандайдир ғавғони бошлади баҳор.**

**Дарёлар ҳовлиқиб тошли, кўпирди  
Осмоннинг бағрига чақмоқ югурди  
Қаландар товба деб тасбех ўғирди  
Ғалати ғавғони бошлади баҳор**

**Ҳайрат-ла боқди-ю Олам Паноҳи  
Кечирилди ошиқ дунё гуноҳи  
Ғазалга айланди Машраблар оҳи  
Шундай бир савдони келтирди баҳор.**